

Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ўрмон хўжалиги, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Зверобой – <i>Hypericum</i> ва қизилмия (солodka) <i>Glycyrrhiza</i> доривор ўсимликларининг илдиз чириш, ун шудринг ва фузариоз касалликларига қарши илмий асосланган биологик кураш агротехнологиясини ишлаб чиқиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Зверобой – <i>Hypericum</i> ва қизилмия (солodka) <i>Glycyrrhiza</i> доривор ўсимликларининг илдиз чириш, ун шудринг ва фузариоз касалликларига қарши илмий асосланган биологик кураш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - доривор ўсимликларнинг касалликларга чидамли навлари аниқланади; - доривор ўсимликларнинг касалликларига қарши ишлаб чиқилган илмий асосланган агротехнология натижасида экологик соф маҳсулот олинади; - фармацевтика саноати зверобой (<i>Hypericum</i>) ва қизилмия (<i>Glycyrrhiza</i>) доривор ўсимликларидан инсон саломатлигига фойда келтирадиган безарар экстракцияга эга бўлади; - доривор ўсимликлардан зверобой ва қизилмиянинг асосий касалликлари тарқалиш ареали ва зарарланиш даражаси аниқланади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Зверобой (<i>Hypericum</i>) ва қизилмия (<i>Glycyrrhiza</i>) доривор ўсимликларининг асосий касалликларига қарши илмий асосланган агротехнология улар етиштириладиган хўжаликларда ишлаб чиқариш миқёсида олиб борилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,6 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,6 млрд сўм

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,8 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ўрмон хўжалиги, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Пиёз ва саримсоқ пиёз экинларини зараркунандаларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш агротехнологиясини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Пиёз ва саримсоқ пиёз экинларини зараркунандаларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш агротехнологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - республикамиз пиёз ва саримсоқ пиёз майдонларида тарқалаётган зарарли организмларнинг тур таркиби ўрганилади, асосий зараркунандалар аниқланади; - зараркунандаларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, тарқалиш ареали ва келтирадиган зарари белгиланади; - пиёз ва саримсоқ пиёз экин майдонларида зараркунандаларнинг зарари ўрганилиб, уларга қарши истикболли турли синфга мансуб бўлган замонавий биологик ва кимёвий препаратларнинг синаш, янги усул ва воситаларни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилади ва амалиётга тавсия этилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқотлар республика фермер хўжаликларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,8 млрд сўм
Жами йиллик:			0,8 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ўрмон хўжалиги, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Уруғ мевали боғларда қизил қон шираси (<i>Eriosoma lanigerum</i>)га қарши кураш технологиясини ишлаб чиқиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Уруғ мевали боғларда қизил қон шираси (<i>Eriosoma lanigerum</i>)га қарши кураш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> – уруғ мевали (олма, беҳи, нок) боғларда қизил қон ширасининг етказадиган зарари ва тарқалиши аниқланади; – қизил қон шираси (<i>E. lanigerum</i>)нинг айрим биоэкологик хусусиятлари ўрганилади; – олма, беҳи ва нок пайвандтагларин <i>in vitro</i> шароитида кўпайтириш протоколи ишлаб чиқилади; – қизил қон ширасига нисбатан чидамли пайвантаглар ўрганилади ва уларни <i>in vitro</i> шароитида кўпайтириш йўлга қўйилади; – интенсив уруғ мевали боғларда қизил қон шираси (<i>Eriosoma lanigerum</i>)га қарши препаратлар синовдан ўтказилади ҳамда уларни қўллаш регламенти ва қарши кураш технологияси ишлаб чиқилади; – қизил қон ширасига қарши қўлланилган пестицидларни мева таркибидаги қолдиқ миқдори аниқланади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий-тажриба хўжаликларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,6 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,6 млрд сўм

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,2 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.